

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ*

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА
СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ*

АНДИЖОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ

**“Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини
етиштириш, сақлаш ва қайта ишлашда илғор
агротехнологиялардан самарали фойдаланиш,
ирригация ва мелиорация тизимларини
ривожлантириш: муаммо ва ечимлар”
мавзусидаги республика илмий-амалий
анжумани**

*(Профессор-ўқитувчилар, катта илмий ходим-изланувчилар, магистрантлар
ва иқтидорли талабаларнинг
мақолалар тўплами)*



Andijon-2016

ЃЎЗАНИНГ ЯНГИ НАВЛАРИНИ ТАНЛАШ СИНОВИ НАТИЖАЛАРИ

А.Қосимов, Б.Қосимов
ПСУЕАИТИ Андижон илмий тажриба станцияси, Асака
А.Абдурахимова - магистир АндҚХИ

Пахта мамлакатимиз миллий бойлиги бўлиб, бу соҳани ривожланишига давлатимиз доимо эътибор бериб келмоқда. Пахтачиликни янада ривожланишида янги навларни яратиш ва уларни ишлаб чиқаришга жорий этиш муҳим аҳамият касб этади.

Президентимиз Ислон Каримов жойларда деҳқонлар, селеционерлар олимлар билан учрашган чоғларда ҳар бир вилоятнинг тупроқ-иқлим шароитига мос бўлган ғўза навларини яратиш ва уларни ўзига хос агротехникаларини ишлаб чиқиш зарурлигини такидлайдилар. Бу борада селекцион олимларимиз ҳар йили Давлат нав синаш тармоқларига синаш учун бир қатор янги навларни тавсия қилмоқдалар. Шулар қаторида ПСУЕАИТИ Андижон илмий тажриба станциясида ҳам янги навларни яратиш ва уларни ишлаб чиқишга жорий этиш соҳасида изланишлар олиб борилмоқда. Жумладан: станциямизда яратилган Андижон-35 ғўза нави 2006 йилда, Андижон-36 нави 2009 йилда, Андижон-37 нави 2012 йилда Давлат рестрига киритилди. Янги Ўз ПИТИ-201 нави 2013 йилда, Ўз ПИТИ-202 нави 2015 йилда истиқболли давлат мақомини олди. Булардан ташқари Ўз ПИТИ-203 ғўза нави Давлат нав синаш шаҳобчаларида синалмоқда. Шунингдек станциямиз олимлари томонидан 2013-2015 йиллар давомида “Танлов нав синаш” кўчатзорида 12 та янги тизма ўрганилди. Андоза нав сифатида Андижон-35 V тип, С-6524 IV тип учун экилди. Станцияда яратилган тизмалар андозаларга таққосланди. Ҳар қайси тизма 100м² ли бўлакчаларда, 4 қайтариқда жойлаштирилди. Амал даврида дала кузатувлари олиб борилди. Агротехника тадбирлари Андижон илмий тажриба станциясида қабул қилинган тартиб асосида олиб борилди.

Кўсақлар очилганда лаборатория таҳлили учун 100 дондан очилган кўсақ пахтаси намуна сифатида териб олинди. Ѓўзанинг амал даврида олинган маълумотларга асосан тезпишарликда: 76-тизим, 966-тизим, 165-тизим, 44-тизим каби тизмалар андоза навадан 2-4 кун эртароқ очилганлиги кузатилди. Ҳосилдорликда: 76-тизим, 165-тизим, 966-тизим, 967-тизим, 206-тизим, 36-тизмалар андозадан 2-5 ц/га юқори ҳосил бериши аниқланди. Маълумки ҳосилдорликни аниқлашда бир дон кўсақдаги пахта вазнининг ҳам аҳамияти катта. Тизмаларнинг кўпчилигида бир кўсақдаги пахта вазни андоза нав С-6524 (4,8г) нисбатан 0,8-1,2 грамга юқори эканлиги маълум бўлди. Ѓўза асосан

толаси учун экилади, шунинг учун тажрибада ўрганилган тизмаларни тола чиқишига ҳам асосий эътибор қаратилди. Жумладан андоза нав С-6524 навида бу кўрсаткич 34,4 фоиз бўлганда 165-тизим (38,0-фоиз), 44-тизим (38,0 фоиз), 163-тизим (37,8 фоиз) 76-тизим (37,7 фоиз), 73-тизим (37,3 фоиз), 968-тизим (37,2) фоиз эканлиги аниқланди. Янги навларга бўлган талаблардан яна бири уларнинг вилт касаллиги бардошлилигидир. Шунинг учун тажрибада синалаётган тизимларнинг вилт касаллиги чидамлилиги ҳам ўрганилди. Кўпчилик тизмалар андоза навларга нисбатан вилт касаллигига чидамлилик хусусиятини кўрсатди. Масалан, С-6524 нави вилт билан 10,2%, Андижон-35 нави 9,5% зарарланган бўлса тизмалардан: 206-тизим 3,1%, 164-тизим 28%, 966-тизим 3,7%, 44-тизим 3,8%, 165-тизим 4,3%, 967-тизим 5,0%, 76-тизим 6,2% касалланиши маълум бўлди.

Юқоридаги натижаларга асосланиб тажрибада ўрганилган тизмалар орасидан ҳосилдор, эртапишар, вилтга бардошли, тола чиқиши юқори ва сифатли тизмалар ажратиб олинди. Шунингдек "Танлов нав синаш" тажрибасида ўрганилган тизмалар орасидан юқорида келтирилган маълумотларга асосланиб ҳамда ўзларининг тола сифатлари микронейр кўрсаткичлари бўйича енгил саноат талабларига тўла жавоб берганлиги ва хўжалик учун қимматли белгилари андоза навдан устун бўлганлигини ҳисобга олиб 76-тизма янги нав сифатида Давлат навлар тозаллигини назорат қилиш комиссиясига синаш учун тавсия этилди.

УЎТ (УДК): 633.511:631.523

КОМПОНЕНТЫ УСТОЙЧИВОСТИ ХЛОПЧАТНИКА К СОСУЩИМ ВРЕДИТЕЛЯМ

***Кожевникова А.Г. д.б.н., - профессор, Рахмонов З.З. к.с.х.н.,
доцент; Мусаев А.- магистр; Юлдашева Ш., Кодирова М.-
студенты***

Сосущие вредители причиняют большой вред сельскохозяйственным культурам, в том числе хлопчатнику. Они снижают урожайность, ухудшают качество продукции. Потери урожая от сосущих вредителей могут достигнуть от 25 до 40%. Поэтому перед селекционерами и защитниками растений Андижанского сельскохозяйственного института, поставлена важнейшая задача по созданию высокоустойчивых, к вредителям и болезням, и высокоурожайных сортов хлопчатника. В настоящее время почти все районированные сорта хлопчатника поражаются сосущими

А.Г. Кожевникова, Т.Мадрахимов, Рахимова А.А, Кожевников С.С., Музаффаров А. Картофельная моль как объект карантина	45
Н.М.Омонова, М.М.Аширалиев. Турли меъёрдаги вербактин препаратини ғўзанинг илдиз системасида ривожланаётган вертициллёз вилтига таъсири	47
Т.Рахимов, З.Темирова, Г.Ҳабибуллаева, З.Зокиров. Ғўза навларининг чигити ва толасининг хусусиятлари	49
Т.Раҳимов, Г.Ҳабибуллаева, З.Темирова, З.Зокиров. Ғўза навларининг илдиз чириш касаллигига бардошлилиги	51
Ф.Мирахмедов, Ж.Б.Маматқодиров, М.М.Мамадалиев, З.А.Якубова. Кузги буғдой “дурдона” навининг агротехникаси	53
Н. Тешабоев, Ж. Маматқодиров, М.Мамадалиев. Буғдойни касалликлар ва зараркунандалардан химоя қилиш	56
Н.Тешабоев, М.Мамадалиев, Ж.Маматқодиров. Буғдойнинг нонбоплик сифатларини баҳолаш	58
О.А.Кодиров, Ж., Маматқодиров, З.Темирова. Тут ипак қуртининг юқори метрик рақамга эга селекцион тизимлари фундаментал ва амалий тадқиқотлар учун бошланғич ашё	60
М.А Қамбарова, О.Абдурахмонова. Кузги буғдой майдонларида учрайдиган бегона ўтларга қарши курашда янги опус 75 % в.д.г гербицидининг самарадорлиги	62
Т.Ураимов, Н. Тешабоев, Тешабоева, М.Тўхтасинова, Г.Алижонова. Навлар ҳосилдорлигини оширишдаги асосий омил	64
М.Яҳёқулова, Қ.Ашуров, Қ.Жўраева. Маккажухорини такрорий экин сифатида хар хил муддатларда экишнинг дон ва кўк ўт ҳосилдорлигига таъсири	66
Х.Турсунов. Экиш усулларини Андижон - 37 ғўза нави чигитларини униб чиқиши ва кўчат қалинлигига таъсири	69
Ҳ.Турсунов, И.Носиров. Экиш усуллари ва кўчат қалинлигини андижон-37 ғўза навининг поя тузилишига таъсири	71
Т.Рахимов, А Абдурахимова, М.Мухаммаджонов. Дурагайлар чигитдаги (+)-госсипол миқдорининг <i>thieia viopsis basicola</i> ва <i>rhizactonia salonii</i> билан касалланиш даражасига таъсири	74
А.Қосимов, Б.Қосимов, А.Абдурахимова. Ғўзанинг янги навларини танлаш синови натижалари	76
Кожевникова А.Г., Рахмонов З.З.; Мусаев А; Юлдашева Ш., Кодирова М. Компоненты устойчивости хлопчатника к сосущим вредителям	77
М.Ш.Хожибоев, А.Х.Комилов, К.О.Аъзамжонов. Чорвачиликни ривожлантиришнинг ижтимоий-иқтисодий ахамияти ...	79

**АНДИЖОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК
ЭКИНЛАР ГЕНЕТИКАСИ, СЕЛЕКЦИЯСИ ВА УРУГЧИЛИГИ
КАФЕДРАСИ. МАГИСТРАТУРА БЎЛИМИ ТАЛАБАСИ
АБДУРАХИМОВА АНОРАНИНГ «ЎСИМЛИКШУНОСЛИК
(ПАХТАЧИЛИК)» ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШИ БЎЙИЧА «АНДИЖОН
ВИЛОЯТИДА РАЙОНЛАШГАН ВА ИСТИҚБОЛЛИ ҒЎЗА НАВЛАРИНИ
ХЎЖАЛИК ВА МОРФОЛОГИК БЕЛГИЛАРИНИ ЎРГАНИШ» МАВЗУСИ
БЎЙИЧА ИЛМИЙ МАҚОЛАСИГА**

ТАҚРИЗ

А.Абдурахимованинг мазкур илмий мақоласи мавзусининг долзарблигига шубҳа йўқ. Чунки ҳозирги кунда пахтачиликни ривожлантириш ва ушбу соҳада мавжуд бўлган муаммоларни ечимини қаратиш зарур.

Мақоланинг амалий аҳамияти шундаки, тавсия этилаётган 7 та навларни (Андижон-36, ЎзПИТИ-201, Истиқлол-14, Порлоқ-2, АҚХИ-1, Ункўрғон-1, Келажак) махсусдорлиги кўрсатилган.

Ўрганилган навларни морфологик ва хўжалик белгилари аниқ ва тўғри кўрсатилган. Таҷрибада қўлланган усуллар услубий жиҳатдан тўғри бажарилган деб ҳисоблайман.

Ҳақиқатдан ҳам Республикамиз олимлари яратган кўпгина саноат навлари ўзининг пахта ҳосили бўйича жуда юқори ўринда туради, лекин уларни толасининг технолгик кўрсаткичлари турлидир, шунинг учун ҳам бу кўрсаткичларни ўрганиш зарур.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки ушбу мақолада келтирилган маълумотларни “Зиёнет” тармоғига тушириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайман.

“Қишлоқ хўжалик экинлар генетикаси,
селекцияси ва уруғчилиги” кафедраси доценти:



С.Баҳромов

**АНДИЖОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК
ЭКИНЛАР ГЕНЕТИКАСИ, СЕЛЕКЦИЯСИ ВА УРУГЧИЛИГИ
КАФЕДРАСИ. МАГИСТРАТУРА БЎЛИМИ ТАЛАБАСИ
АБДУРАХИМОВА АНОРАНИНГ «ЎСИМЛИКШУНОСЛИК
(ПАХТАЧИЛИК)» ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШИ БЎЙИЧА «АНДИЖОН
ВИЛОЯТИДА РАЙОНЛАШГАН ВА ИСТИҚБОЛЛИ ГЎЗА НАВЛАРИНИ
ХЎЖАЛИК ВА МОРФОЛОГИК БЕЛГИЛАРИНИ ЎРГАНИШ» МАВЗУСИ
БЎЙИЧА ИЛМИЙ МАҚОЛАСИГА
ТАҚРИЗ**

Муаллифнинг мазкур илмий мақоласи мавзусининг долзарблигига шубҳасиз. Зеро хозирги кунда пахтачиликни ривожлантириш ва ушбу соҳада мавжуд бўлган муаммоларни ечимига қаратилган.

Мақоланинг амалий аҳамияти шундаки, тавсия этилаётган 7 та гўза навларининг (Андижон-36, ЎзПТИ-201, Истиқлол-14, Порлоқ-2, АҚХИ-1, Унқўргон-1, Келажак) махсулдорлиги баён этилган.

Тадқиқ қилинган навларни морфологик ва хўжалик белгилари аниқ ва тўғри кўрсатилган. Тажрибада қўлланган усуллар услубий жиҳатдан тўғри бажарилган деб ҳисоблайман.

Бинобарин Республикамиз олимлари яратган кўпгина саноат навлари ўзининг пахта ҳосили бўйича жуда юқори ўринда туради, лекин уларни толасининг технолгик кўрсаткичлари турлидир, шунинг учун ҳам бу кўрсаткичларни ўрганиш зарур.

Хулоса қилиб шунни айтиш мумкинки ушбу илмий мақолада келтирилган маълумотларни “Зиёнет” тармогига тушириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайман.



**НСУЕАНТИ Андижон тажриба станцияси
бўлим бoshiғи қ.х.ф.н. А.Хайдаров**